

Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармаси билан “Кўмир таъминот” МЧЖ Навоий вилоят филиали ўртасида тузилган 2021 йил 21- декабрдаги №21/03-1-сонли шартномага

илова

**ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

КИРИТИШ ҲАҚИДА КЕЛИШУВ № 01

Навоий шаҳар

“20” 01 2022 йил

Ўзининг низоми асосида иш юритувчи **Навоий вилоят Мактабгача таълим бошқармаси** (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) раҳбари У.Тиллаев номидан бир томондан ва ўзининг Устави ва 2022 йил 06 январдаги № 01/297 сон Ишончнома асосида иш юритувчи “Кўмир таъминот” МЧЖ Навоий вилоят филиали (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) раҳбари в.в.б. К.М.Хусанов номидан иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур келишувни туздилар.

1. Мазкур келишувни тузишдан мақсад тарафлар ўртасида 2021 йил 21-декабрда тузилган **Навоий вилоят мактабгача таълим ташкилотлари учун кўмир маҳсулотини сотиб олиш** тўғрисидаги №21/03-1-сонли шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдир.

2. Тарафлар ўртасида 2021 йил 21-декабрда Навоий вилояти мактабгача таълим ташкилотлари учун кўмир маҳсулотини сотиб олиш бўйича жами 253 453 200 сўмлик шартнома тузилган бўлиб, шартнома шартларига мувофиқ, 2021-йилнинг декабрь ойида умумий шартноманинг 50 фоизи, яъни 126 726 600 сўм маблағ олдиндан кўчириб берилган.

3. Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг II бўлими қуйидаги тахрирда баён қилинсин.

Т.Р	Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (ҚҚС)	Жами (сўмда)
1.	Кўмир	Тонна	422	300 300	126 726 600
	Жами				126 726 600

(Бир юз йигирма олти миллион етти юз йигирма олти минг олти юз сўм)

4. 2021 йил 21-декабрдаги №21/03-1-сонли шартномага мувофиқ 28.12.2021 йилда 126 726 600 сўм кўчириб берилгани ҳамда шартноманинг муддати 2021 йил 31 декабрда бўлганлиги боис, ушбу қилинган шартноманинг умумий баҳоси 126 726 600 сўм этиб белгиланди ва 2021 йил январ ойи учун 422 тонна кўмир етказиб бериш шarti билан умумий шартнома суммаси 126 726 600 сўмга миқдори 422 тоннага камайтирилиши бўйича қўшимча келишув тузишга келишилди. 2022 йил учун шартнома суммаси 126 726 600 сўмга миқдори 422 тонна этиб белгиланди.

5. Шартноманинг бошқа, мазкур келишув билан дахл қилинмаган шартлари ўзгартирилмасдан қолади ва тарафлар улар бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлайдилар.

Шартнома ўзгартирилганда тарафларнинг мажбуриятлари ҳам ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади.

6. Ушбу келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга кирилади ва 2022 йилнинг 31 декабрига амал қилади.

7. Мазкур келишув 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ва 2021 йил 21 декабрда тузилган №21/03-1-сонли шартномага илова қилиниб, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

**“БАЖАРУВЧИ”**

**“Кўмир таъминот” МЧЖ**

**Навоий вилоят филиали**

Ангрен ш. Истиклол 1 кўчаси

Телефон: +99891 332-56-68

Хр: 20208000104794416001

ТГРФ ЎзПСБ Тошкент ш.

МФО: 00424. СТИР: 207016317

Раҳбар:  К.М.Хусанов

**“БУЮРТМАЧИ”**

**“Навоий вил Мактабгача таълим бошқармаси”**

Навоий шаҳар Шодлик кўчаси 6-уй

Телефон: (79) 220-12-81, (79) 220-14-75

Хр: 100021801240017091100251001

Тошкент шаҳар Марказий


банк ХККМ

МФО: 00014.

СТИР: 305135104

Раҳбар:  У.Тиллаев



 юрисконсулт.